

ХОРЕОГРАФИЯ САНЪАТИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хайдаров Ислон

**Ўзбекистон давлат хореография академияси “Хореография жамоалари раҳбари”
йўналишининг 3-курс талабаси**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12604302>

Аннотация. Мазкур мақолада хореография соҳа мутахассислигига оид касбий компетенцияларни шақллантиришга таъсир қилувчи информацион технологияларнинг ўрни ва тизимли билимларнинг самарадорлиги жиҳатларига алоҳида эътибор берилганлиги қайт этилган.

Таянч сўзлар: *илмий-техник тараққёт, замонавий технологиялар, таълим, маълумот, салоҳият, санъат, хореография, метод, таҳлил, балетмейстер, сюжет, образ.*

Халқимиз маънавияти ва эстетик тарбиясини юксалтириш, ёш авлод орасида миллий ва жаҳон рақс санъати намуналарини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган рақс санъатини ҳар томонлама ривожлантириш даврнинг ўзи тақозо этмоқда.[5,В1]

Жамият тараққийотининг ҳозирги босқичида замонавий телекоммуникация тизимлари ўқув техник воситалари функцияларини самарали бажара бошлаганида, илмий-техникавий жараён илмий-техникавий ахборотнинг жадал ўсиши ва янгилашишига олиб келди.

Шу билан бирга, илмий-техникавий жараённинг ҳозирги босқичи малака ошириш ва тайёрлаш тизимининг тезкор ва жадъал ташкил этилганлигига олиб келди. Сифатли таълим олиш мамлакатимизда асосий устувор йўналиш ва қадриятларимиздандан бири ҳисобланиб ҳозирда бу олий маълумотли мутахассислар фаолияти соҳасидир.

“Рақс санъати соҳасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4585-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг қарори долзарб муаммоларни ҳал этишга туртки бўлди.[5,В1]

Мазкур қарорда “кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятни янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, иқтидорли талабаларни ушбу соҳага кенг жалб этиш” зарурлиги таъкидлангани дунё ва миллий даражадаги миллий рақс санъатининг назарий жиҳатдан кенг ўрганиш зарурлиги белгиланган.

Таълим тизими келажакдаги жамият ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий салоҳиятни шакллантиради. Ушбу вазият ва замонавий ҳаёт шароитларидан келиб чиққан ҳолда, маданиятлараро компетенцияни тарбиялаш ва шакллантириш, унинг асосий таркибий қисмларини ривожлантириш, шубҳасиз, замонавий таълимнинг мақсадларидан бирига айланиши керак. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш йўлида халқ маданиятини асраб-авайлаш ва такомиллаштириш бирламчи бўлмаса ҳам, лекин муҳим йўналишлардан биридир. Шу сабабдан таълим тизими маълум талабларга

жавоб бериши керак. Касбий ҳамда халқ хореография санъатининг ўзаро боғлиқлигини ва уларни ўзаро бойитиш зарурлигини белгилаши керак. Замонавий маълумотлар оқимини ўзлаштириш, илмий ва тадқиқот фаолиятига оид, индивидуал ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш имкониятини таъминлаш. Ўқувчиларнинг иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўқитишнинг замонавий ва илғор услубларини кенг қўллаш.

Ҳар бир касб маълум бир билим, кўникма ва малакалар базасини ўз ичига олади, шу маълум базасиз танланган соҳанинг мутахассиси деб ҳисоблаб бўлмайди. Ижодий касб эгалари ҳам бу маънода истисно эмас.

Рақс - жамиятнинг жисмоний ва маънавий тарбия воситаси бўлиб, рақс тасвири воқеликни акс эттирувчи шаклларида бири бўлиб, объектив когнитив ва тарбиявий аҳамиятга эга. Ижодий жараён билан шуғулланиб, рақс саҳналарини яратиб, балетмейстер хореография санъати орқали бутун жамиятнинг ҳиссий маданияти ва эстетик тарбиясига таъсир қилади. Бироқ, техника жиҳозларининг ривожланиб кетаётганлиги, рақс спектаклининг "кўнгил очарлиги" бирламчи аҳамиятга эга бўлмоқда, бу эса ўз навбатида хореографдан компьютер технологиялари соҳасида маълум билимларни талаб қилади. Хореографик санъатда ахборот технологияларидан фойдаланиш барча фаолият турларида, хусусан: машғулотлар, бошқарув, ижодий ишларда фойдаланишни кўзда тутаяди.

Ўқувчининг истеъдодини ривожлантириш, унга зарур билим ва кўникмаларни бериш хореография жамоалари мутахассисларини тайёрлашнинг асосий белгиларидан биридир. Бироқ хореография соҳасига оид тамойилларни билишдан, ушбу тамойилларни ижодда гавдалантира олишдан фарқ қилади.

Ахборот технологиялари тез ўзгарувчан муҳитга эга бўлиб, ушбу соҳада янгиликлар алмашинуви шиддатли кечмоқда. Бу ерда деярли ҳар куни турли хил лойиҳалар ва ишланмалар пайдо бўлади. Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига янги технологиялар кенг жорий этилмоқда. Қайси соҳани мисол қилиб олмайлик, ахборот узатишнинг қулайлиги, очиқлиги ва тезкорлиги боис замонавий технологиялар янгиланишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Замонавий технологияларнинг ривожланаётганлиги ўқитиш соҳасида коммуникатив, ижодий ва касбий билимларни, мустақил билим ортириш эҳтиёжларини ривожлантиришни таъминлайдиган янги ёндашувларни жорий этишни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб ёш хореографлар тўқнашадиган муаммо - бу назарий жиҳатдан визуал маълумотларнинг кенг оқимини англаш ва улар орасида тўғри танлов қила олишдир, чунки қадим замонлардан бери барча билим ва кўникмалар амалий усул орқали устоздан шогирда ўргатилиб қолдирилди. Амалиёт назария билан қўллаб-қувватланиши керак. Бинобарин, хореографлар, айниқса, ёш мутахассислар ижодий, индивидуал қобилиятларни юзага чиқаришга ёрдам берадиган, ўз устида тизимли машаққатли меҳнат қилиш кўникмаларини шакллантирувчи илмий-ижодий ишларни изланишлар билан уйғунлаштиришлари керак.

Инновацион технологиялар танловли характерга эга бўлиб, унинг таълим тизимининг ахборот маконида ўрни асосан ўқув жараёнининг когнитив функциялари

билан боғлиқдир. Мулоқот жараёнида "оддийдан мураккабгача" тамоёили бўйича инсон танасининг барча имкониятларидан фойдаланиш усулларидан бири визуал-модулли ўрганишдир. Бу маълумот қанчалик фойдали: Ахборот алмашинувининг мақсадли йўналиши зарур маълумотларни топиш, тўплаш, алмашиш ва улардан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси ёрдамида амалга оширилади. Ушбу касб эгалари хореографик образларни тасаввур қила олиши, ўз фикрини рақснинг ифодали ва тасвирий тили билан томошабинга етқаза олиши аҳамиятлидир.[5, В 5]

Ўқув жараёнининг ноёблиги – бу талабани ўзини намоён қилишнинг тўғри усулларини топишга ва хореографик тили ёрдамида ўз ғояларини рўёбга чиқариш, ҳаётга тадбиқ қила олишни ўргатишдир. Ғояни аниқ баён қилиш, натижани кўрсатиш, ғоя ва мавзунини таклиф қилиш ва тингловчиларга тушунтириш - буларнинг барчаси қўйилган масалани ечиш ва ғояни рўёбга чиқаришнинг бир қисми бўладиган инновацион усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бу рақснинг структурасини қуриш, маъновий урғуларни тақсимлаш, қулминация, янги хореографик асарни бутун ва унинг алоҳида қисмларида кўриш учун жуда муҳимдир.

Талабанинг мустақил ижодий изланиши ва ташаббускорлиги ўқув услублари орқали юксалиб бевосита илмий-тадқиқот ишларга айланиб боради. Бу келажакдаги хореографнинг фантазиясини фаоллаштиришга ёрдам бериб, яширин ижодий салоҳиятни, ўқув жараёнининг илмий изланиш ёндашувини очишга ёрдам беради. Лойиҳа фаолиятининг воситаси сифатида ахборот технологияларидан фойдаланилганда, ўқув жараёнида катта ижодий натижаларга эришиш мумкин.

Талабалар мустақил равишда янги бадий технологияларни ўзлаштириш методларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, уларни ўзларининг ижодий ишларида намоёйиш этадилар.

Инновацион ва ахборот технологиялар нафақат ўқув жараёни самарадорлигига, балки мутахассислик бўйича тизимли билим ва умумлаштирилган кўникмаларни шакллантиришга реал таъсир кўрсатиш имкониятига ега.

Шундай қилиб, янги технологияларни илгари суриш учун зарур бўлган таълим ва илмий тадқиқотларнинг бутун тизими шакллантирилмоқда. Ўқитувчилар ўз ижодий тажрибаси билан бўлишиши ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши замон талабларига жавоб берадиган бўлажак хореографларни етиштиришда ўқув жараёнининг сифатини ва жадал илмий-техникавий жараённи таъминлайди. Талаба ижод жараёнида ривожланиши, янги қирраларни очиши ва яратишни ўрганиши керак, шундагина у ўзининг ижодий ишлари ва хореография соҳасида янги ёндошувлар билан бошқаларни лол қолдириши мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, бугунги кунда хореография ўзига хос воситалар ва услубларнинг бутун бир тизимни, унинг бадий ифодали тилини шакллантириб мусиқа билан алоҳида алоқани ўрнатди. Раққосанинг жозибадор эгилувчан ҳаракатлари мусиқа билан уйғунлиги томошабинга беқиёс завқ бағишлайди. Буларнинг барчаси янги инновацион технологиялар билан ҳамоҳанг бўлиб, томошабинга асар сюжетига тўлиқ шўнғиб ва томошадан кўплаб ижобий ҳиссиётларни ҳис этиш имкониятини беради.

References:

1. Abduxakimova D.M. Raqs kompozitsiyasi asoslari. O'quv qo'llanma. T.: "Navro'z", 2020. – 86 б.
2. Usmanova G.N. Raqs kompozitsiyasi asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: "Fan ziyosi", 2022. – 152 б.
3. Горлина И. Г. Искусство балетмейстера. Учебная литература. – Т.: "Fan ziyosi", 2022. – 268 с.
4. Абдухакимова Д.М. Сифатли таълимда самара ва натижадорлик // Маданият чорраҳалари. 2023, № 1. – Б. 19-22.
5. Захаров Р.В. Работа балетмейстера с исполнителями М.: 1967 Искусство.
6. Рахимов Б.Х, Мавлянов А. Ўқув машғулотларни замонавий ташкил этиш ва ўтказиш технологиялари -Т.: Фан ва технология, 2016.